



## VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

2020 йил январь-июнь ойларида чакана товар айланмаси 6 996,2 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 0,3 % га ўсди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 798,0 млрд. сўмни (ўсиш суръати 2,1 % га ўсди), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товар айланмаси 6 198,2 млрд. сўмни (100,0 % га етди), шундан, уюшмаган савдо товар айланмаси 550,2 сўмни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25,9 % га камайди) ташкил қилди.

Асосий таркиб, млрд. сўм



Ўсиш суръатлари, % да



Йирик корхоналар



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари

Таркибий қисм, % да



Чакана савдо айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг жамига нисбатан 11,4 % ни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 88,6 % ни, шундан уюшмаган савдо 7,9 % ни ташкил қилган.

Уюшмаган савдо, млн. сўмда, улуши % да




**Ҳудудлар кесимида чакана савдо товар айланмаси, млрд. сўм**  
(2020 йил январь-июнь ойлари)

2020 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан вилоят бўйича чакана савдо товар айланмаси 6 996,2 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 100,3 % ни ташкил этди.

Вилоятимиз чакана савдо товар айланмасида Хонобод шаҳрида (112,4 %) ва Андижон тумани (107,3 %) юқори ўсиш суръати кузатилди.

**ЭНГ ЮҚОРИ УЛУШ**

Чакана савдо товар айланмасида энг юқори улушни Андижон шаҳри 32,0 % улуш билан 2 236,9 млрд. сўмни ташкил этди.



**Чакана савдо айланмасида йирик корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳажми ва ўсиш суръатлари**


	Жами, млрд. сўм	2019 йил январь- июнь ойларига нисбатан, % да	Йирик корхона- лар, млрд. сўм	2019 йил январь- июнь ойларига нисбатан, % да	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, млрд. сўм	2019 йил январь- июнь ойларига нисбатан, % да
<b>Андижон вилояти</b>	<b>6 996,2</b>	<b>100,3</b>	<b>798,0</b>	<b>102,1</b>	<b>6 198,2</b>	<b>100,0</b>
Андижон ш.	2 236,9	103,3	636,6	103,9	1 600,3	103,0
Хонобод ш.	81,3	112,4	11,8	3,9 м.	69,5	100,2
туманлар:						
Олтинкўл	233,6	98,7	9,8	94,1	223,8	98,9
Андижон	361,3	107,3	50,3	2,1 м.	311,0	99,7
Балиқчи	330,9	100,2	15,5	160,2	315,4	98,4
Бўстон	120,4	101,1	6,9	2,1 м.	113,5	98,0
Булоқбоши	155,9	94,5	3,5	57,5	152,4	95,9
Жалақудуқ	174,6	100,2	3,3	95,4	171,3	100,3
Избоскан	192,8	100,3	3,3	79,9	189,5	100,8
Улуғнор	52,2	96,7	0,2	75,9	52,0	94,2
Қўрғонтепа	501,8	100,2	6,4	111,2	495,4	100,1
Асака	715,0	92,0	25,2	38,3	689,8	97,0
Марҳамат	240,6	98,1	4,7	112,7	235,9	97,8
Шаҳрихон	888,9	98,8	10,4	53,1	878,5	99,9
Пахтаобод	278,0	100,1	6,4	105,3	271,6	99,9
Хўжаобод	432,0	100,3	3,7	120,4	428,3	100,1

2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан вилоятнинг Асака (92,0 %), Булоқбоши (94,5 %), Улуғнор (96,7 %), Марҳамат (98,1 %), Олтинкўл (98,7 %) ва Шаҳрихон (98,8 %) туманларида чакана савдо товар айланмасининг камайиш суръатлари кузатилиб, нисбатан юқори кўрсаткичлар Хонобод шаҳар (112,4 %), Андижон шаҳар (103,3 %), Андижон (107,3 %) ва Бўстон (101,1 %) туманларида қайд этилди.


## Чакана савдо товар айланмаси таркиби

Чакана савдо товар айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг товар айланмаси ҳажми, 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 2,1 % га ўсди ва 798,0 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу эса умумий савдо ҳажмининг 11,4 % улушига тўғри келди.

Йирик корхоналар улуши, % да




Энг юқори улушга эга ҳудудлар, % да




Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товар айланмаси 100,0 % ни ташкил қилди ва 6 198,2 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 88,6 % ни ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улуши, % да



Энг юқори улушга эга ҳудудлар, % да



**Чакана савдо айланмасида йирик корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар кесимида улуши, % да**

Таҳлилий натижаларга кўра чакана савдо товар айланмасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши Улуғнор (99,7 %), Хўжаобод (99,1 %), Шаҳрихон (98,8 %), Қўрғонтепа (98,7 %), Избоскан (98,3 %) ва Жалақудук (98,1 %) туманлари етакчилик қилмоқда. Чакана товар айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг улуши 11,4 % ни ташкил этиб, энг катта улуш Андижон шаҳрида (28,5 %), Хонобод шаҳрида (14,5 %), Андижон (13,9 %) ва Бўстон (5,8 %) туманларида кузатилди.



**Йирик корхоналар      Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари**

## Андижон вилояти бўйича аҳоли жон бошига нисбатан чакана савдо товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръатлари

2020 йил январь-июнь ойлари ҳолатига кўра ўртача аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси 2 227,7 минг сўм (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 % га камайган) ни ташкил этди.


Ушбу кўрсаткич ҳудудлар кесимида солиштирилганда энг юқориси Андижон шаҳри (5 040,4 минг сўм), Хўжаобод (3 930,8 минг сўм) ва Шаҳрихон (2 973,9 минг сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

	Ҳажм, минг сўмда	2019 йилнинг январь- июнь ойларига нисбатан, % да
<b>Андижон вилояти</b>	<b>2 227,7</b>	<b>98,3</b>
Андижон ш.	5 040,4	101,3
Ҳонобод ш.	1 909,0	110,5
туманлар:		
Олтинкўл	1 316,9	96,6
Андижон	1 373,9	105,0
Балиқчи	1 653,7	98,3
Бўстон	1 671,9	99,0
Булоқбоши	1 094,9	92,7
Жалақудук	941,8	98,7
Избоскан	812,0	98,3
Улуғнор	875,3	94,7
Қўрғонтепа	2 327,4	98,3
Асака	2 185,1	90,1
Марҳамат	1 393,5	96,3
Шаҳрихон	2 973,9	96,7
Пахтаобод	1 443,9	98,0
Хўжаобод	3 930,8	98,2



## Уюшмаган савдо товар айланмаси\*

Вилоят бўйича 2020 йилнинг январь-июнь ойларида уюшмаган савдо товар айланмаси 550,2 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 25,9 % га камайди. Шу жумладан, 1 - bozor ва 1 - bozor (chorva) (ойлик) кузатувлари маълумотларига асосан, деҳқон\* бозорларида савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг уй хўжаликларида етиштирган маҳсулотларнинг сотиш ҳажми 213,3 млрд. сўм (ўзгариш суръати 73,8 %), чорва ва паррандалар сотувчи жисмоний шахсларнинг савдо айланмаси ҳажми 336,9 млрд. сўмни (ўзгариш суръати 74,3 %) ташкил этди.



\*Хўжалик юритувчи субъектлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) қўшмаган ҳолда

\*Жисмоний шахслар (деҳқонлар) уй хўжалигида ўз кучи билан етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чорва (парранда) моллари

**Уюшмаган савдо айланмасида деҳқон ва чорва (парранда) бозорларининг савдо айланмаси ҳажми ва ўсиш суръатлари**

	<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан, % да</b>	<b>Деҳқон бозорлари, млрд. сўм</b>	<b>2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан, % да</b>	<b>Чорва (парранда) бозорлари, млрд. сўм</b>	<b>2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан, % да</b>
<b>Андижон вилояти</b>	<b>550,2</b>	<b>74,1</b>	<b>213,3</b>	<b>73,8</b>	<b>336,9</b>	<b>74,3</b>
Андижон ш.	93,9	80,3	55,6	79,8	38,3	81,1
Хонобод ш.	0,4	90,8	0,4	90,8	0,0	0,0
туманлар:						
Олтинкўл	22,6	80,1	11,2	66,6	11,4	100,1
Андижон	4,9	73,1	4,9	73,1	0,0	0,0
Балиқчи	37,0	79,7	6,1	87,7	30,9	78,4
Бўстон	4,4	53,1	1,5	34,7	2,9	74,2
Булоқбоши	27,5	71,7	9,1	68,0	18,4	73,6
Жалақудук	24,4	87,0	4,2	92,2	20,2	86,0
Избоскан	5,9	73,7	2,4	56,1	3,4	94,8
Улуғнор	4,2	49,1	1,8	35,0	2,5	69,0
Кўрғонтепа	21,1	60,7	7,5	63,1	13,6	59,5
Асака	78,2	64,0	37,5	74,3	40,6	56,7
Марҳамат	43,3	62,4	15,7	59,3	27,7	64,2
Шаҳрихон	106,0	77,8	33,0	91,4	73,0	72,9
Пахтабод	45,2	82,5	15,3	69,1	29,9	91,5
Хўжабод	31,2	90,2	7,1	74,9	24,1	96,0

2020 йил январь-июнь ойларида деҳқон ва чорва (парранда) бозорларида, уй хўжалида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, паррандалар ва чорва моллари савдоси билан шуғулланувчи жисмоний шахслар танланма кузатуви, дастлабки маълумотларга кўра жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган савдо айланмаси ҳажми деҳқон бозорларида 213,3 млрд. сўмни, чорва (парранда) бозорларида 336,9 млрд. сўмни ташкил этди.


## Уюлмаган савдо товар айланмаси:

### Дехқон бозори



2020 йилнинг январь-июнь ойларида вилоятнинг барча ҳудудларида жойлашган деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатуви ўтказилди. Кузатув натижаларига кўра савдо айланмаси ҳажми 213,3 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда асосий йирик ҳажм янги узилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосига (90,4 млрд. сўм) тўғри келди.

**Уюлмаган савдо товар айланмаси:  
Чорва (парранда) бозорлари, млрд. сўм**



2020 йилнинг январь-июнь ойларида вилоятнинг барча худудларида жойлашган чорва (парранда) бозорларида паррандалар ва чорва моллари сотувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатуви ўтказилди. Кузатув натижаларига кўра савдо айланмаси ҳажми 397,8 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда асосий йирик ҳажм турли ёшдаги қора моллар савдоси 265,4 млрд. сўмни ташкил этди.


**Умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмасида йирик корхоналар,  
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳажми ва ўсиш  
суръатлари**

	Жами, млрд. сўм	2019 йил январь- июнь ойларига нисбатан, % да	Йирик корхона- лар, млрд. сўм	2019 йил январь- июнь ойларига нисбатан, % да	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркор- лик, млрд. сўм	2019 йил январь- июнь ойларига нисбатан, % да
<b>Андижон вилояти</b>	<b>81,5</b>	<b>96,5</b>	<b>4,8</b>	<b>98,1</b>	<b>76,7</b>	<b>96,4</b>
Андижон ш.	41,9	105,8	4,2	186,1	37,7	100,9
Хонобод ш.	0,8	95,0			0,8	95,0
туманлар:						
Олтинкўл	5,2	89,9			5,2	89,9
Андижон	5,9	69,9	0,6	21,8	5,3	91,7
Балиқчи	1,4	90,1			1,4	90,1
Бўстон	0,5	97,6			0,5	97,6
Булокбоши	1,1	96,4			1,1	96,4
Жалакудук	1,7	77,3			1,7	77,3
Избоскан	1,1	67,5			1,1	67,5
Улуғнор	0,6	96,7			0,6	96,7
Қўрғонтепа	2,0	88,4			2,0	88,4
Асака	4,7	94,2			4,7	94,2
Марҳамат	2,3	100,5			2,3	100,5
Шаҳрихон	8,4	99,1			8,4	99,1
Пахтаобод	1,3	96,4			1,3	96,4
Хўжаобод	2,6	95,7			2,6	95,7

2020 йилнинг январь-июнь ойларида савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларнинг савдо айланмаси 1,2 % улушни ташкил этиб, 81,5 млрд. сўмга етди ва 2019 йил январь-июнь ойларига нисбатан 3,5 % га камайди. Бунда жами савдо айланмасининг 94,1 % улуши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

## Улгуржи савдо товар айланмаси


Асосий таркиб улуши, % да



Йирик корхоналар

Микрофирма ва кичик корхоналар

Ўсиш (ўзгариш) суръатлари, % да



Жами

Йирик корхоналар

Микрофирма ва кичик корхоналар

Савдо айланмаси ҳажми ва улуши

Улгуржи савдо



Йирик корхоналар




Микрофирма ва кичик корхоналар



Энг юқори улушга эга ҳудудлар, % да

6,0 8,4 65,7



Кўргонтепа

Асака

Андижон ш.

Вилоят бўйича 2020 йилнинг январь-июнь ойларида улгуржи савдо товар айланмаси 1 378,6 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 0,6 % га ўсди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг савдо айланмаси 636,0 млрд. сўмни (ўсиш суръати 139,2 %), кичик бизнес субъектларининг савдо айланмаси 742,6 млрд. сўмни (18,6 % га камайиш) ташкил этди.

**Улгуржи савдо айланмасида йирик корхоналар, кичик бизнес субъектларининг  
ҳажми ва ўсиш суръатлари**

	Жами, млрд. сўм	2019 йил январь- июнь ойларига нисбатан, % да	Йирик корхона- лар, млрд. сўм	2019 йил январь- июнь ойларига нисбатан, % да	Кичик бизнес, млрд. сўм	2019 йил январь- июнь ойларига нисбатан, % да
<b>Андижон вилояти</b>	<b>1 378,6</b>	<b>100,6</b>	<b>636,0</b>	<b>139,2</b>	<b>742,6</b>	<b>81,4</b>
Андижон ш.	905,1	101,8	475,6	117,4	429,5	88,8
Хонобод ш.	8,3	105,2	0,5	-	7,8	98,6
туманлар:						
Олтинкўл	28,5	70,1	0,1	106,0	28,4	70,1
Андижон	29,4	65,2	0,05	52,9	29,3	65,3
Балиқчи	40,0	69,0	0,1	119,8	39,9	68,9
Бўстон	3,7	99,1	0,03	56,0	3,7	99,7
Булоқбоши	10,5	81,3	-	-	10,5	81,3
Жалакудук	10,9	78,7	0,1	184,8	10,8	78,3
Избоскан	40,9	93,0	0,1	50,2	40,8	93,2
Улуғнор	11,5	78,2	0,05	74,6	11,5	78,2
Қўрғонтепа	83,3	137,9	68,4	163,9	14,9	79,6
Асака	115,8	279,5	75,8	20,4 м.	40,0	106,1
Марҳамат	3,5	99,4	0,05	61,5	3,4	100,3
Шаҳрихон	70,1	70,2	14,9	2,8 м.	55,2	58,4
Пахтаобод	10,3	73,2	0,1	73,7	10,2	73,2
Хўжаобод	6,8	33,0	0,1	56,1	6,7	32,9

Улгуржи савдо товар айланмасида энг юқори ҳажм кичик бизнес субъектларига тўғри келиб, мазкур ҳажм 2020 йил январь-июнь ойлари якунига кўра, 742,6 млрд. сўмни ва жами улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 53,9 % ни ташкил этди.

Бу кўрсаткич ҳудудлар кесимида таққослаганда, Булоқбоши (100,0 %), Избоскан (99,8 %), Андижон (99,8 %), Олтинкўл (99,7 %) ва Балиқчи (99,6 %) туманларида юқори бўлган. Энг паст улуш эса Қўрғонтепа (17,8 %) туманига тўғри келди.